ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН** УЧУН!

14-noyabr
2024-yil 46 (1 096)

O‘ZLIDEP

AXXRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlari_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан биргаликда “Яшил” энергияни ривожлантириш ва узатиш соҳасида стратегик шериклик тўғрисидаги битимни имзолади.

ТИНЧЛИК ВА ТОЗА ҲАВОСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ



Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўтаётган ҳафтанинг биринчи ярмида бўлиб ўтган икки халқаро саммитдаги икки нутқини тинглаган таҳлилчилар борки, уларнинг ҳар қайсиси алоҳида тугал позицияга эга бўлиши баробарида ушбу нуфузли анжуманларда Ўзбекистон томонидан кўтарилган масалалар пировардида бир нуқтада бирлашишини яққол эътироф этишди. Шу маънода, бугунги мулоҳазаларимиз Ар-Риёд мезбонлик қилган навбатдан ташқари араб-ислом саммити ҳамда Боку шаҳрида ташкил этилган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси Томонлари конференциясининг 29-сессияси (COP29) якунларига бағишланади.

3





Актам ХАИТОВ,
O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси

НАТИЖА УЧУН КУРАШАВЕРАМИЗ

ВАҚТНИНГ ЮГУРИКЛИГИНИ, ЗАМОННИНГ ТЕЗЛИГИНИ ЎЛЧАЙДИГАН АСБОБ-УСКУНА БОРМИ? АФСУСКИ, ЙЎҚ! ЛЕКИН УЛАРНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН БОШҚА, ЎЗИГА ХОС МЕЗОНЛАР БОРКИ, БУ, ЭНГ АВВАЛО, ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШДИР!

Шу маънода Ўзбекистонда кейинги ўн йилликларда содир бўлаётган тарихий ўзгариш ва улкан ислоҳотлар ана бу юксак мезон талабларига мос келадики, буни инкор қилиш мушкул. Айниқса, сўнгги етти-саккиз йил ичида мамлакатимиз нуфузи, обрў-эътибори дунё миқёсида ҳар жабҳада тобора ошиб бораётгани бор ҳақиқат. Албатта, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Эришилаётган ютуқ-муваффақиятларда, табиийки, ташкил топганига 21 йил тўлаётган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ўзига хос беқиёс ўрни, улуши борлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

2003 йил 15 ноябрь... Бу озод ва мустақил давлатимиз сиёсий ҳаётида унутилмас из қолдирган саналардан бири сифатида тарихимиз саҳифасига ёзилмоғи шубҳасиз. Чунки худди шу куни дастлаб мамлакатда фаолият кўрсатиб келаётган катта қатлам ҳисобланган тадбиркорлар ва ишбилармонларни бирлаштирувчи сиёсий ҳаётида етакчи куч сифатида салмоқли натижаларга эришди. Оддий мисол: парламент ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда O‘zLiDeP беш карра устунлик мақомини қўлга киритди. Яқиндагина якунига етган сайловдаги катта ғалаба эса алоҳида эътирофга лойиқдир. Ёки партиямиздан кўрсатилган номзодлар Президент сайловларида беш марта ғолиб бўлди. Бундай қувончли ютуқлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

Бугун фахр ва ифтихор билан ўз сафларида 1 миллион 600 мингдан кўпроқ аъзони бирлаштириб турган етакчи партия 21 йиллик давр ичида чин маънода халқчил партияга айлана олди, десак асло муболағa бўлмайди.

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг одилона ва оқилона ташаббуслари туфайли амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида ўз фикрини эркин айта оладиган, ижтимоий фаоллашган, бир сўз билан айтганда, очиқ ахборот маконидан фойдаланаётган сиёсий фаол инсонлар қатлами шакланди. Демак, халқимиз Янги Ўзбекистонимиз пойдевори янада мустаҳкам бўлмоғи учун эртанги кунига дадил ишонч билан шаҳдам қадамлар ташламоқда. Дарвоқе, бизнинг партиямизнинг ҳам бош шиори “Эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни биргаликда қуриш”-дан иборат экан, энди фақат ва фақат ваъда эмас, натижа учун курашамиз! 5 муҳим йўналиш бўйича белгиланган 500 вазифани, албатта, шараф билан уддалаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, 15 ноябрь – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топганининг 21 йиллиги муносабати билан бизга ишонган, истиқболли ғоя ва эзгу мақсадларимизни қўллаб-қувватлаб келаётган барча юртдошларимизни, фаол аъзоларимиз, депутатлар корпуси вакилларини самимий муборакбод этаман! Тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик хотиржамлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

2-3-4



5
ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

Мард ва жасур ҳарбийларимиз, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигига масъул ички ишлар органлари ходимлари Ватанимиз байроғи пойида тиз чўкиб, она юрт тупроғини матонат ва садоқат билан ҳимоя этмоққа қасамёд қиладилар.



6
95 ЁШЛИ ХОРАЗМЛИК ТЕМИРЧИ

“Бугун қишлоқ хўжалигида энг ақлли ва унумли техника-ю ускуналар деҳқон меҳнатини осонлаштирмоқда. Аммо ўша ақлли техника ва ускуналар эгаларининг иши барибир эски ҳунарманд – темирчига тушаётгани бор гап-да!”

СУВ — ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИГА АЙЛАНМОҚДА

БМТ ҳисоботига кўра, ҳозирги кунда дунё миқёсида 2,2 миллиард инсон тоза сувга муҳтож бўлиб, 3,5 миллиард одам санитария талабларига жавоб бермайдиган сувни истеъмол қилмоқда. Бундан ташқари, ер юзи бўйлаб ҳар икки кишидан бири йилнинг бир неча ойларида сув танқислигидан азият чекади.



Англаганингиздек, бугун дунёда экологик вазият, табиий офатлар ва қурғоқчилик кўпаймоқда. Ушбу фалокатлар, афсуски, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Бу эса сув ресурсларидан тежамкорлик билан самарали фойдаланишни, сувни иқтисод қилувчи технологияларни жорий этишни тақозо этади. Айниқса, 70 фоиздан кўпроқ ҳудуди чўл ва чала чўлдан иборат бўлган мамлакат учун бу заруратга айланмоқда. Боиси, суғориладиган ерлар шўрланмоқда. Шамол ва сув эрозияси кучайиб, яйловларда ер ости сувлари сатҳининг камайиш ҳодисаси кузатилмоқда.

Шу боис, юртимизда давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан сув танқислигини юмшатиш, оби-ҳаёт ресурсларидан самарали фойдаланиш ва соҳани такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда 500 минг гектарга яқин ер томчилатиб ва 48 минг гектари ёмғирлатиб суғоришга ўтказилди.

Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган концепцияси аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Зеро, сув хўжалигини ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва комплекс тадбирларни ўз ичига олган мазкур ҳужжат доирасида сув хўжалигини бошқаришда яхлит республика ижро этувчи ҳокимият органи тизими шакллантирилди.

Шунингдек, сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг йиллик қувватини 300 минг гектарга етказиш, барча сув истеъмолчиларига ҳисоблагичлар ўрнатишни таъминлаш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, намунали фермерлар тажрибасидан келиб чиқиб, суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этишни рағбатлантириш механизмлари кўрсатилмоқда. Мазкур технологияларни жорий этишни янада рағбатлантириш мақсадида биргина 2023 йилда сувни тежаш тизими жорий этилган ғалла ва сабзавот майдонларининг ҳар бир гектари учун субсидиялар миқдори 8 миллион сўмгача оширилди.

Бугунги кунда Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишга тайёрланаётган “Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси билан эса сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар кодификация қилинади.

Кодекс лойиҳасида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва экотизимни сув билан барқарор таъминлаш, сувни ифлосланиш, булғаланиш ва камайиб кетишидан муҳофаза қилишда замонавий усулларни қўллашга қаратилган нормалар ҳам ўз аксини топмоқда. Қолаверса, соҳада сув тежаш технологияларини жорий этишда бозор механизмлари ва рақобат муҳитини яратишга қаратилган нормаларни такомиллаштириш назарда тутиляпти.

Яқинда Президентимиз раислигида қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида олиб борилган ишлар сарҳисоб қилиниб, ушбу бебаҳо неъматдан самарали фойдаланиш борасида галдаги вазифалар белгилаб берилди.

Албатта, сўнгги йилларда юртимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича муайян ишлар қилинди. Масалан, ўтган даврда 550 километр канал ва ариқлар бетонлангани эвазига 200 минг гектарда сув яхшиланди. Йилига 450 миллион куб метр сув иқтисод қилиниб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан 13 минг километр ички тармоқ бетонлаштирилди.

Сув бошқаруви ислоҳ қилиниб, туманларда сувни ҳисобга олиш тизими шакллангани, фермерлар сувни ҳисоб-китоб қилишни ўргангани, шаффоф тизим йўлга қўйилгани натижасида бу йил ерга 2 карра кўп сув борди. Асосийси, яна 6 миллиард куб метр сув ҳисоби жойига қўйилди.

Аммо бугун соҳада қилиниши лозим бўлган долзарб масалалар ҳам йўқ эмас. Масалан, кластер ва фермерларга етказиб берилаётган ҳар бир куб метр сувга республика бўйича ўртача 212 сўм харажат қилинаяпти. Бухоро, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида бу 2-3 баробар қиммат.

Охирги йилларда 1 миллиард АҚШ доллари ҳисобига Қарши, Аму-Бухоро, Аму-Занг каби йирик насос станциялари модернизация қилинди. Лекин ўрта ва майда насослар эскилиги сабабли сув таннархи ошиб кетяпти. Бетонлаш ҳисобига йўқотиш 10-15 фоизга камайган бўлса-да, 20 та туманда бу кўрсаткич юқори.

Видеоселектор йиғилишида шу каби муаммолардан келиб чиқиб, галдаги вазифалар белгиланди. Хусусан, жойларда ҳали бетонлаш зарур бўлган 18 минг километр магистраль ва 94 минг километр ички каналлар борлигига урғу берилиб, келгуси йилда бу ишларга 800 миллиард сўм ажратилиши айни муддао бўлди.

Ўтган йили техника, ишчи кучи ва қум-шағалдан ёрдам бўлгани учун бетонлаш харажати 2 карра арзонлашган. Пудратчиларга тўғридан-тўғри шартнома асосида цемент етказиб бериш орқали таннархни яна 20 фоизга пасайтириш мумкинлиги айтилди.

Шунингдек, йиғилишда бетонланган каналларда сув оқими тезлашгани, бу эса кичик ГЭСлар қуриб, электр олиш учун анча қулай экани таъкидланди. Жумладан, Навоий вилоятида 11 мегаваттли 148 та шундай станция қуриш бошланган. Умуман, ҳудудларда 2 мингта микро ГЭС қуриб, йилига қўшимча 600 миллион киловатт электр ишлаб чиқариш имкони мавжуд.

Мутасаддиларга бу борада хусусий шериклик шартларини ишлаб чиқиб, тадбиркорларга эълон қилиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги яхши тажрибаларни ҳам кўрсатиб ўтди. Масалан, Жиззах вилояти Дўстлик туманида сув бошқарувини “ақлли” тизимга ўтказиш бўйича 21 миллион долларлик лойиҳа якунланган. Сув тақсимланадиган 2 мингта нуқтага ҳисоблагич ва видеокамера ўрнатилган. Бунда автоматлашган бошқарув натижасида 20 фоиз, суғориш тармоқларини таъмирлаш ҳисобига яна 10 фоиз сув тежалади. Сув бошқаруви хусусий секторга берилиб, фермерлар билан кооперация тузилади. Илк бор сувга олдиндан тўлов бўлади.

Хусусий шерик билан тежамкор насос ва қуёш панели ўрнатиб, 20 фоиз электр тежаш мумкин. Масалан, селекторда хоразмлик деҳқонларнинг худди шундай йўл тутишаётгани ва бу тажриба катта самара бераётгани, натижада қуёш панели ўрнатиб, эҳтиёжидан ортган электрни давлатга сотиб, ойига қўшимча 7-8 миллион сўм даромад олишаётгани мамнуният билан таъкидланиши ҳам бежиз эмас.

ТАҲРИРИЯТ ИЗОҲИ: “XXI asr” газетасининг шу йил 23 майда (21-сон) журналист Рўзимбой Ҳасаннинг “Камолиддин фермер қаловини топди” сарлавҳали мақоласида Хонқа туманида фаолият юритаётган Камолиддин Юсупов айнан дала бошига қуёш панеллари ўрнатиб электр энергияси ишлаб чиқараётгани ва ўз эҳтиёжидан ортганини давлатга сотиб, сарфланган харажатларини тўла қоплаётгани ва ушбу истиқболли тажриба воҳада оммалашса, яхшигина даромад олиш мумкинлиги ҳақида тўхталган эди!

Эътиборли жиҳати шуки, мутасаддиларга ушбу тажрибани кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Республика бўйича қатор ҳудудларда сув тежовчи технологиялар жорий қилингани натижасида ўтган йилнинг ўзида 2 миллиард куб метр сув тежалган. Лекин айрим далаларда ўрнатилган ускуналар ишламаяпти. Йиғилишда бу каби камчиликлар энди қатъий назоратга олиниши қайд этилди.

Келгуси йилда яна 500 минг гектарда сув тежовчи технологиялар ўрнатилади. Қорақалпоғистонда қўлланган лазерли текисланган ернинг ҳар гектарига 1 миллион сўмдан субсидия бериш тизими энди Хоразмда ҳам ишга тушади. Бошқа ҳудудларда ҳам лазерли текислаш тажрибаси кенгайтирилади.

Баҳор ва куздаги сел сувларини йиғиш – соҳадаги яна бир манба ҳисобланади. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида шундай иншоотлар барпо қилиб, 50 минг гектарда сув таъминотини яхшилаш имкони бор. “Ўзбекгидроэнерго” компанияси бу борада икки йиллик режаларни амалга татбиқ этишда бош бўлиши белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда насос станцияларига онлайн назорат ва “ақлли сув” қурилмалари олиб келинган. Лекин улардан олинадиган маълумотларни жамлаб, таҳлил қиладиган ахборот тизими йўқ. Шу боис вазирлик ҳузурида Сув хўжалигини рақамлаштириш маркази тузилиши белгиланди. Унда сув истеъмоли ва ҳисобини юритишнинг ягона ахборот тизими ишга туширилади бўлди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, Ўзбекистонда 2025 йил сув хўжалигида “Насослар самарадорлигини ошириш йили” дея эълон қилинди. Бу мавжуд муаммоларни қай даражада юмшата олади?

Сув хўжалигида насослар самарадорлигини ошириш орқали энергия истеъмолини камайтириш мумкин. Бу жараёнда электр нархи қисман пасаяди. Яъни одатда эски насослар кўпроқ энергия сарфлайди. Мисол учун, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ерларини суғоришга 1 минг 600 дан зиёд насос станциялар ишлатилмоқда. Улар ўзига яраша электр энергияни исроф қилмоқда. Бу фермер учун ҳам, ҳукумат учун қимматга тушмоқда. Мавжуд насосларни рақамли-замонавий, энергия тежовчиларига алмаштириш харажатларни сезиларли даражада камайтиради. Бундан ташқари, камроқ энергия истеъмоли сабаб миллий электр тармоғидаги ҳаддан ортиқ кучланиш ҳолатлари барҳам топади. Бу эса кутилмаган авария – бузилиш ҳолатларининг ҳам олдини олади.

Яна бир тарафи, хўжаликда насослар самарадорлигини ошириш сув етказиб бериш ҳажмини яхшилайди. Ҳатто, рақамли насослар сув ресурслари чекланган ҳудудларда ҳам экинлар учун етарли суғоришни таъминлаши мумкин. Қолаверса, насослар самарадорлигини ошириш белгиланган жойга сув ўз вақтида етиб боришига хизмат қилади. Бу эса йўлда ортиқча йўқотишлар кўламини минималлаштириб, юқори ҳосилдорликни кафолатлайди.

Бундан ташқари, сув хўжалигида насослар самарадорлигини оширишнинг билвосита фойдали жиҳатлари ҳам мавжуд. Бунга қишлоқ хўжалиги даромадининг ошиши, жабҳада янги иш ўринларининг яратилиши, сув ифлосланишининг камайиши, турмуш шароитини яхшиланиши ва озиқ-овқат хавфсизлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, селектор йиғилишида белгилаб берилган залворли вазифалар биз депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бу борада қонун ижодкорлиги жараёнига янада жиддий ёндашиб, Сув кодекси лойиҳасини янада такомиллаштириб, маромига етказишимиз лозим бўлади. Зотан, сув танқислиги муаммолари глобал даражага чиқаётган бир пайтда, аввало, ундан самарали фойдаланишда барча ҳуқуқий асослар яратилиши мақсадга мувофиқдир.



Равшан МАМУТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ОСОН ЭМАС



Шуҳрат АСЛАНОВ,
O‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси

Ҳар қандай сиёсий куч амалий ишлари билангина халқ ишончини қозона олади. Партиядошларимиз томонидан ўтган йигирма бир йил мобайнида амалга оширилган ишлар эл-юрт равнақи, фаровонлигига қаратилганлиги билан қадрлидир.

Дастурий мақсадларимиз халқчиллиги, замон билан ҳамнафаслиги, долзарб вазифаларни қамраб олгани боис бизни қўллаб-қувватловчилар сони йил сайин ортиб бораяпти. Партиявий фаолиятимизни юз нафар аъзо билан бошлаган бўлсак, бугун воҳадаги маслакдошларимиз сони юз мингдан ошиб кетди. Ўтган йиллар мобайнида кенгашимиз томонидан қатор партиявий лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш асносида юз минглаб одамлар учун янги иш ўринлари яратишга эришдик. Бу борада вилоят, туман, шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзоларининг самарали фаолиятини алоҳида эътироф этиш лозим.

Узоққа бормайлик: яқиндагина O‘zLiDeP учун муваффақиятли якунланган энг муҳим жараён – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови ҳам жиддий синов вазифасини ўтади. “Ваъда эмас – натижа, эртага эмас – бугун!” шиори остида партия дастурида эътироф этилган барқарор, содда ва адолатли солиқ сиёсатини жорий этиш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, барқарор ва самарали молиявий хизматлар бозорини шакллантириш, инфратузилма ва туризмни ривожлантириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби қатор долзарб вазифалар ижроси учун масъулиятни ўз зиммамизга олганлигимиз кучимиз ва салоҳиятимизга ишонганимизнинг яққол исботи бўлди. Халқчил дастуримиз тарғиботини ташкил этишда барча депутатлар, партиямиз аъзолари ва маслакдошларимизнинг фаол иштирок этгани алоҳида таҳсинга лойиқ .

Таъкидлаш керакки, партиянинг Сайловолди дастури давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларига ҳамоҳанг тарзда ишлаб чиқилгани, айниқса, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида имтиёзли кредит ҳажмларини ҳар йили 30 фоизга ошириб бориш, ижтимоий тадбиркорликни янада рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини иш билан таъминлаб келаётган тадбиркорларга мол-мулк ва ер солиғидан имтиёзлар ва оғир вазиятга тушиб қолган фуқаролар учун кредитни қайтаришда таътиллар бериш тизимини жорий этиш мақсад қилингани кўпчиликни қувонтирди

Шунингдек, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш, қулай бизнес, инвестиция ва рақобат муҳитини шакллантириш масаласига устувор вазифа сифатида қараган ҳолда солиқ маъмурчилиги тизимини соддалаштириш, барча тадбиркорлик субъекти учун солиқ тўлаш борасида адолатли ва тенг шароитлар яратиш, солиқ ставкаларининг ўзгармаслигини таъминловчи сиёсат тарафдори сифатида партиямиз тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланаётганини исботламоқда.

Халқимизни, қолаверса, катта сиёсий жараёнларда бизларни бир овоздан қўллаб-қувватлаб келаётган тарафдорларимизни мамлакатимиз харитасида ўз ўрни ва нуфузига эга ҳудуд бўлган қашқадарёлик минг-минглаб маслакдошларимиз номидан партиямизнинг 21 йиллиги билан чин юракдан қутлайман. Байрамлар байрамларга уланаверсин!

БИРЛАШГАНИМИЗ УЧУН ЎЗАЯПМИЗ-ДА!



Раҳматулло КАМОЛОВ,
O‘zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши раиси

Бир сиёсий партия учун йигирма бир йиллик тарих саҳифасини яратиш – кичкина иш эмас, албатта. Ўтган 21 йил биз учун синовлар даври бўлгани билан қадрлидир. Бу каби машаққатли ва масъулиятли сиёсий синовлар ортида жиддий тобланишлар бор, юксалишлар бор, демаки, улар ортида улкан тараққиёт бор.

Бугунгидек эсимда: 2003 йил 15 ноябрь куни бўлиб ўтган тарихий таъсис съездида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакат сиёсий майдонига шахдам қадамлар билан кириб келганини кенг жамоатчиликка эълон қилган эди. Аҳамиятли тарафи шундаки, O‘zLiDeP юртимиз тараққиётининг ҳар бир босқичида, энг аввало, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларига бевосита дахлдор бўлган муҳим масалаларга аниқ жавоб бера оладиган ғоялар, қарашлар билан катта сиёсат саҳнасига чиқди. Натижада, Ўзбекистондаги энг ёш партия бўлишига қарамай, ўтган давр мобайнида 1 миллион 600 минг, шундан Фарғона вилоятида 114 мингдан ортиқ аъзоларини жамлаб, ўз нуфузини янада мустаҳкамлаб олди. Партиямиз учун тадбиркорлар ва ишбилармонлар, фермерлар манфаатлари доимо устувор бўлиб қолиши билан бирга, бугунги кунга келиб “Эркин, фаровон, Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз” шиори остидаги дастурий фаолиятида аҳолининг бошқа қатламларини ҳам ўйга солаётган масалаларни илгари сураётгани таҳсинга сазовордир.

Фурсатдан фойдаланиб, кўп йиллардан бери эзгу мақсадлар йўлида бирлашиб, жипслашиб, ҳамжиҳатликда беминнат хизмат қилиб келаётган барча аъзолар ва фаолларимизни партиямизнинг 21 йиллик қутлуғ байрами билан самимий табриклайман. Халқимизга берган ваъдаларимиз – Сайловолди дастуримиздаги долзарб вазифалар ижросини ҳаётга татбиқ этишларида куч-қувват, билим, ирода тилайман!

ТИНЧЛИК ВА ТОЗА ҲАВОСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўтаётган ҳафтанинг биринчи ярмида бўлиб ўтган икки халқаро саммитдаги икки нутқини тинглаган таҳлилчилар борки, уларнинг ҳар қайсиси алоҳида тугал позицияга эга бўлиши баробарида ушбу нуфузли анжуманларда Ўзбекистон томонидан кўтарилган масалалар пировардида бир нуқтада бирлашишини яққол эътироф этишди. Шу маънода, бугунги мулоҳазаларимиз Ар-Риёд мезбонлик қилган навбатдан ташқари араб-ислом саммити ҳамда Боку шаҳрида ташкил этилган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси Томонлари конференциясининг 29-сессияси (COP29) якунларига бағишланади.



Ҳозирги глобаллашув даврида фаровон турмуш кечириш учун тинчлик аталмиш олий неъматнинг ўзи камлик қилиб қолди. Инсониятга иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммолар жуда катта хавф солмоқда. Жаҳон етакчилари орасида ана шу жараённинг оқибатларини юмшатиш, одамларнинг тоза ҳавога бўлган ҳуқуқини таъминлашни ўзининг бурчи деб билаётганлари ҳам талай. Давлатимиз раҳбари ҳам, шубҳасиз, фидойи ва жонкуяр, узоқни кўра оладиган ва бошқаларни уйғотишга қодир лидерлар сирасига киради.

ФАЛАСТИНЛИК БОЛАЛАР ВА АЁЛЛАРНИ БЕҒАРАЗ ДАВОЛАШГА ТАЙЁРМИЗ

Яқин Шарқ, Ғазо сектори, Иордан дарёси... Бу сўзларни эшитишингиз билан гап нима ва қайси ҳудуд тўғрисида кетаётганини биласиз. Негаки, бугун дунёда Исроил-Фаластин можаросидан бехабар одамни топиш мушкул. Эсланг, ушбу қарама-қаршилик юзага келганидан бери неча ўнлаб авлодлар вояга етди. Лекин зиддият ҳамон тўхтагани йўқ. Аксинча, қуролли тўқнашувлар қўшни ҳудудларга ҳам ўтиб бормоқда.

Модомики, Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистони раислигида ўтган тадбирда бевосита қатнашиши ва нутқ сўзлашидан асосий мақсад Яқин Шарқ, Марказий ва Жанубий Осиё, Африка қитъасининг етакчи мамлакатларининг давлат ва ҳукумат раҳбарларини мавжуд можарони тинч йўл ва дипломатик ҳаракатлар билан ҳал этишга яна бир бор даъват қилишдан иборат бўлди.

Шавкат Мирзиёев глобал сиёсат кун тартибидаги энг ўткир ва оғриқли масала – Фаластин муаммосига бағишланган саммитни ташкил этгани учун Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ҳамда Валиаҳд Муҳаммад бин Салмон Ол Саудга алоҳида миннатдорлик билдирди.

Саммитда алоҳида таъкидланганидек, Ар-Риёд шаҳрида 2023 йили ўтказилган йиғилишдан кейин ўтган вақт мобайнида ушбу уруш кўлами янада кенгайиб, Ливан ҳудудини ҳам қамраб олгани жудаям хатарлидир. Бинобарин, халқаро анжуманда глобал ва минтақа даражасида самарали механизмлар ва аниқ ечимлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилишига ишонч билдирилди.

Ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш, хавфсиз гуманитар йўлакларни таъминлаш ва тинчлик музокараларини бошлаш масалалари БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий эътибор марказида туриши зарурлиги қайд этилди.

Қадимий ва бой тарихга эга Фаластин халқи 1967 йилдаги чегаралар доирасида, пойтахти Шарқий Қуддус бўлган мустақил ва озод давлатини тузишга тўла ҳақли. Шу маънода, Саудия Арабистони ташаббуси билан ташкил этилган Икки давлат ечими учун глобал альянс фаолиятини Ўзбекистон тўлиқ қўллаб-қувватлади, шунингдек, Фаластин ва Ливан ҳудудидаги гуманитар инқирознинг олдини олиш мақсадида етакчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан, шу жумладан, БМТнинг Махсус агентлиги доирасида ёрдам кўламини кенгайтиришни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари урушда жабрланган фаластинлик болалар ва аёлларни мамлакатимиз шифохоналарида беғараз даволашга тайёр эканини таъкидлади. Муқаддас Ал-Ақсо масжиди, Қуддусдаги бошқа ноёб тарихий-маданий ёдгорликларнинг дахлсизлигини таъминлаш ҳамда уларни бешикаст сақлаб қолиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Сўзининг якунида Президентимиз мазкур учрашув Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишда катта қадам бўлишига умид билдирди.

Муҳокамалардан сўнг томонлар можаронинг сиёсий-дипломатик ечимини жадал излашга содиқлигини тасдиқловчи қўшма резолюция қабул қилди.

Шавкат Мирзиёевнинг навбатдан ташқари араб-ислом саммити доирасида Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Бош вазири Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд билан учрашувида Ўзбекистон-Саудия кўп қиррали муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ар-Риёддаги фавқулодда саммит ўз вақтида ташкил этилгани ва долзарб аҳамиятга эгалиги, турли даражалардаги фаол мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани, ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар сони ошиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

“Яшил” энергетика, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, коммуникациялар соҳасида, қишлоқ хўжалиги, саноатда янги қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди. Бўлажак олий даражадаги тадбирларга, жумладан, 2025 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё – Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” мулоқотининг иккинчи саммитига тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти амалий ташриф доирасида Саудия Арабистони инвестициялар вазири Холид ал-Фалиҳ, шунингдек, энергетика вазири шаҳзода Абдулазиз бин Салмон Ол Саудни қабул қилди.

Ушбу учрашувларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, энг аввало, Ўзбекистонда устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, жорий йил якуни билан юртимизга Саудия Арабистони компанияларининг қарийб 2,5 миллиард долларлик инвестициялари жалб этилиши кутилаётгани, Ўзбекистон энергетика соҳасини илғор технологиялар асосида модернизация қилишда фаол иштирок этаётган етакчи “ACWA Power” компанияси билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида мамнуният билан таъкидланди.

Мамлакатимиз ҳудудларида шамол ва қуёш электр станцияларини қуриш, шунингдек, “яшил” водород ишлаб чиқариш лойиҳаларини тезлаштиришнинг муҳим жиҳатларига урғу берилди. Ўзбекистонда маҳаллийлаштириш ва корхоналар энергия самарадорлигини ошириш жараёнларига Саудия Арабистони компаниялари ва маслаҳатчиларини жалб этиш юзасидан келишувга эришилди.

COP29 САММИТИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАКЛИФЛАР

Глобал саммитлар жаҳон етакчиларининг учрашув ва музокаралари учун муҳим майдон ҳисобланади. Бокудаги COP29 саммити ҳам бундан мустасно бўлмади. Шавкат Мирзиёев қисқа муддатда Туркия Президенти Ражаб Тойиб Эрдўған, Буюк Британия Бош вазири Кир Стармер, Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Озарбайжон парламенти Раиси Соҳиба Гафарова, ФИФА раҳбари Жанни Инфантино билан норасмий суҳбатлашгани фикримиз далилидир.

БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси Томонлари конференциясининг 29-сессияси (COP29) доирасидаги Жаҳон етакчилари саммитида дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатидан давлат ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур анжуманнинг ялпи мажлисида нутқ сўзлаган Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, иқлим ўзгаришлари бугунги кунда асосий глобал таҳдидга айланиб, геосиёсий кескинликнинг кучайишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Камбағалликка қарши кураш, озиқ-овқат ва энергетик хавфсизликни таъминлаш, ичимлик суви ва ресурсларидан фойдаланиш муаммолари кучайиб бормоқда.

Иқлим ўзгаришларининг кўнгилсиз оқибатларини Марказий Осиё давлатлари халқлари чуқур ҳис қилаётгани маълум. Бу эса аҳолининг турмуш сифатини ошириш ва миллий тараққиёт стратегияларини рўёбга чиқариш йўлида тўсиққа айланмоқда.

Париж келишувлари доирасида асосий мақсад – минтақада ҳаво ҳароратини жадал ўсишига йўл қўймаслик, ушбу кўрсаткичларни жорий юз йилликда 1,5-2 градус атрофида сақлаб қолишдан иборат.

Бу борада Ўзбекистонда углерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислоҳотлар олиб борилмоқда. 2030 йилгача ҳавога иссиқхона гази чиқаришни учдан бир қисмга камайтириш режалаштирилган. Бу мажбуриятлар 2050 йилга қадар янада кенгайтирилади. “Яшил” энергетика улуши 40 фоизга етади.

Электромобиллар ва “яшил” водород ишлаб чиқариш кластерлари барпо этилмоқда, қуёш ва шамол генерацияси хаблари яратилмоқда. “Яшил макон” дастури доирасида кўкаламзор ҳудудлар кенгайтирилмоқда.

Қўшни мамлакатлар билан биргаликда Минтақавий иқлим стратегияси амалга оширилмоқда. Шу кунларда Европага “яшил” энергия етказиб беришни ташкил этиш тўғрисида кўп томонлама битим имзоланади.

Жаҳон ҳамжамияти эътибори қаратилган нуфузли саммитда Шавкат Мирзиёев глобал иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини биргаликда енгиб ўтиш мақсадида қатор ташаббусларни илгари сурди.

Жумладан, ривожланаётган мамлакатлар дуч келаётган иқлим хатарларини танқидий таҳлил ва молиявий баҳолаш учун етакчи давлатлар, кўп томонлама институтлар ва конвенцияларнинг техник ва молиявий кўмагини кенгайтириш мақсадида Иқлим туфайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказ таъсис этиш таклиф қилинди.

Атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ хатарларни қисқартириш, барқарор биохилма-хиллик ва трансчегаравий сув ресурслари масалаларида ягона ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этиб, давлатимиз раҳбари БМТ шафелигида Дарё экотизимларининг бутунлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасида мажбуриятлар тўғрисидаги Декларацияни ишлаб чиқиш зарурати юзага келди.

Ўзбекистонда ўсимликларнинг иқлимга чидамлилигини ошириш учун Генетик ресурсларнинг минтақавий банкини ҳамда денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатлар учун БМТнинг инновацион агросаноат хабини ташкил этиш таклиф қилинди.

Иқлим ўзгаришларидан зарар кўраётган мегаполис ва шаҳарларнинг барқарор ривожланиши ва яшаш учун қулай шароитлар яратиш соҳасида тажриба ва билим, энг яхши амалиётлар трансфери учун Жаҳон иқлим пойтахтлари альянсини ташкил этиш ҳамда унинг биринчи форумини Тошкентда ўтказиш ташаббуси билдирилди.

Президентимиз COP29 мамлакатлари вакилларини келгуси йили 15 майда – Халқаро иқлим кунида Оролбўйида ўтказиладиган Рақамли “яшил” ташаббуслар глобал фестивалида иштирок этишга таклиф этди.

Шавкат Мирзиёев Боку шаҳридаги саммит доирасида Европа кенгаши Раиси Шарль Мишель билан учрашди. Мулоқотда мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан кўп қиррали ҳамкорлигини янада кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимни тез фурсатда қабул қилиш, “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” форматидаги биринчи саммитга тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг Финляндия Президенти Александр Стубб билан музокарасида кўп қиррали Ўзбекистон-Финляндия ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Фаол сиёсий ва парламентлараро алоқалар мамнуният билан қайд этилди.

Янги иқтисодий кун тартибини шакллантириш учун металлургия, электротехника, кимё, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда саноат кооперациясини ривожлантириш дастурини тайёрлаш таклиф этилди. Шу маънода, 2025 йил январь ойида Хельсинки шаҳрида бўлиб ўтадиган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва бизнес форумига пухта тайёргарлик кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Таълим ва экология соҳасидаги алмашинувларни мустаҳкамлаш, шу жумладан, БМТнинг Оролбўйи учун Траст жамғармаси фаолиятида Финляндиянинг фаол иштирок этиши истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

COP29 саммити доирасида мамлакатимиз етакчиси, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир, Яшил иқлим фонди ижрочи директори Мафальда Дуэрте, Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) бош директори Салим ал-Малик, Буюк Британия собиқ бош вазири, Глобал ўзгаришлар институти раиси Тони Блэр билан ҳам алоҳида-алоҳида мулоқотлар ўтказди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу учрашувларнинг барчаси ягона мақсад – дунёда осойишталик ва хотиржамликни сақлаш, иқлим ўзгаришларининг оқибатларини биргаликда имкон қадар юмшатиш, яшаш учун қулай шароит яратишга қаратилди. Зотан, ер юзида тинчлик ва тоза ҳавосиз ҳаёт расамадидагидек бўлмайди.

Расмий хабарлар асосида
Озод РАЖАБОВ тайёрлади.

Ҳаракатни бугундан бошлаш керак

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатимиз сиёсий майдонига кириб келганига 21 йил бўлди. Ҳар гал мазкур сана яқинлашганда, дастлаб партия фаоли, 2018 йилдан бошлаб, Жиззах вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари-аппарат раҳбари сифатида маслакдошларим билан бирга ўтказган кунлар ёдимга тушади. Амалга оширилган ишларни хаёлан сарҳисоб қиламан.



Шерзод МАМАТҚУЛОВ,
O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши аппарат раҳбари

Партия сиёсий майдонда муносиб ўрнини топиб, халқ орасида мавқеи, нуфузи ошиб бораётганининг асосий сабаби – илгари сурган ғояларнинг халқчиллиги, мақсад ва вазифаларининг замон билан ҳамнафаслиги, долзарблигида эканлигига қайта-қайта амин бўламан.

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови ҳам фикримиз исботи. Партиямиз ўз кучи ва салоҳиятига, фаолларининг фидойи ва иқтидорига ишониб, “Ваъда эмас – натижа, эртага эмас – бугун!” шиорини илгари сурди.

Бу шунчаки баландпарвоз гап эмаслиги, ўтган йиллар давомида амалга оширилган салмоқли ишлар бунга маънавий ҳуқуқ беришини сайловчилар яхши англаб етганини эришилган натижалар кўрсатди. Сайловлар аслида ҳар қандай сиёсий куч фаолиятига тутилган кўзгу. Халқимиз тутган ушбу кўзгуда ютуқ ва муваффақиятлар билан бирга келгусида эътибор қаратилиши керак бўлган долзарб ҳаётий вазифалар ҳам яққол кўзга ташланади.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам Ўзбекистон Либерал-демократик партияси бошқа сиёсий кучларга қараганда катта устунлик билан ғалаба қозонди. Мисол учун, Жиззах вилоятидаги сайловчиларнинг 37,6 фоизи партиямизни қўллаб-қувватлаб овоз берган бўлса, Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги 40 та депутатлик ўрнидан 20 таси, яъни тенг ярми партиямизга тегишли бўлди. Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларидаги 280 та депутатлик ўрнидан 105 таси ёки 37,5 фоизи маслакдошларимизга насиб қилди.

Бу албатта катта натижа. Айниқса, ўтган вақт давомида халқ депутатлари вилоят кенгашида фаолият олиб борган O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари ўз сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларни адо этиб, элга берган ваъдасининг устидан чиққани бу галги сайловларда ҳам яна бир карра бу сиёсий кучга берилган муносиб баҳо ўз тасдиғини топди. Бу хайрли анъанани давом эттириш, янада ривожлантириш янги сайланган халқ ноибларига жуда катта масъулият юклаши шубҳасиз.

Сайловолди мулоқотлари, тарғибот тадбирлари ва учрашувларда сайловчилар билан юзма-юз ҳолда, Президентимиз илгари сурган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси билан ҳамоҳанг бўлган сайловолди дастуримиздан ўрин олган 5 мақсад ва 500 вазифанинг мазмун-моҳиятини етказар чоғимизда, улар бу дастуриламал вазифасини ўтовчи ҳужжат ижросини таъминлашда партия қандай кучга таяниши билан ҳам қизиққанликлари ёдимга тушди.

Таъкидлаш жоизки, партия ўз сайловолди дастури ижросини таъминлашда дастлабки навбатда янги сайланган депутатларимизга, 1 миллион 620 мингдан ортиқ фаолларимизга ва бизни қўллаб-қувватлаётган миллионлаб тарафдорларига таянади. Вилоятда ҳам бугунги кунда 134 минг нафардан ортиқ партия фаоллари, минглаб электорат вакили ва хайрхоҳлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, улар билан биргаликда ҳар қандай вазифаларни амалга ошира оламиз.

Бўлиб ўтган сайловолди тадбирларида билдирилган фикр ва мулоҳаза, таклиф, кўтарилган муаммолар қайд этилган ён дафтаримни варақлар эканман, халқимизни рози қилиш йўлида ҳали кўплаб ишлар қилишимиз кераклиги аён бўлади. Айнан сайловчиларимизнинг ҳақли талабини бажариш, жойларда ислоҳотларни янада жадаллаштириш, барча жабҳаларда сайловолди дастуримизда белгиланган режа ва вазифалар ижросини таъминлаш асосий мақсадимиз.

Шу сабаб, барча маслакдош депутатларимиз, фаолларимиз жойларда ҳозирданоқ биринчи навбатда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни бошлаб юборишганига аминман. Зеро, натижага эришмоқ учун, ҳаракатни бугуноқ бошлаш керак.

БОЙ ТАЖРИБА ҲАМИША ИШ БЕРАДИ

Обиджон ҲАМИДОВ,
O‘zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси,
Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати



O‘zLiDePнинг 21 йиллик фаолият йўлига назар ташланса, ҳамма амалий ишларимиз кундай равшан бўлади. Албатта, ушбу бардавом йўналишлардаги изчил, собитқадам фаолият замирида ҳудудий ташкилотлар, жумладан, партиянинг Бухоро вилояти кенгашидаги минглаб фаоллари, депутатлар ҳамда фахрийларимизнинг фидойи меҳнати ҳам мужассам. Электоратимиз аъзоларидан қарийб икки минг нафарини тадбиркорлар ташкил этаётгани янада қувонарлидир.

Яна бир мисол келтирайлик: ҳозирги пайтда вилоят партия ташкилоти ҳисобида 121 965 нафар аъзони бирлаштирган 903 та партия қуйи бўғини фаолият кўрсатмоқда. Бу эса бундан 21 йил олдинги кўрсаткичлардан мос равишда 114 458 нафарга ва 562 тага кўпдир.

Кенгашимизнинг “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” саъй-ҳаракатлари билан қатор истиқболли партиявий лойиҳалар ижросини таъминлаш бўйича тегишли шарт-шароитларнинг яратилгани натижасида ўтган давр мобайнида турли дафтарларга киритилган юзлаб ва минглаб хотин-қизлар ҳамда ёшлар бандлигига эришилди. Бу ҳам ўз навбатида мамлакатимиз миқёсида давом этаётган камбағалликни қисқартириш жараёнига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Ёки пешқадам тикувчи, зардўз, ҳунарманд ва бошқа касб эгаларининг “Ишбилармон аёл”, “Соғлом оила – мустаҳкам оила”, “Бунёдкор аёллар”, “Намунали томорқачи аёл – фаровонлик бунёдкори”, “Бир депутат – юз аёлга кўмакчи” сингари ўнлаб лойиҳалар асосида ўтказилган кўрик-танловларнинг кўплаб ғолиб ва совриндорлари, 21 йилдирки, ўз фаолиятларини мустақил давом эттириб, устоз-шогирд йўналишида ҳам кутилган натижаларга эришмоқдалар.

Айниқса, бу йилги сайловнинг якуний натижаларига биноан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига ҳам айнан бизнинг O‘zLiDePдан энг кўп номзодларнинг сайлангани барча партиядошларимиз қалбида чексиз фахр-ифтихор ҳис-туйғуларини уйғотди. Шунинг баробарида зиммиздаги масъулиятни янада оширди. Айнан Бухоро вилоятидан кўрсатилган номзодларимизнинг парламент қуйи палатасига 3 нафар, маҳаллий кенгашларга 109 нафар ўрин олгани партиямиз ғоялари янада кенг қанот ёйишига, электоратимиз манфаатлари ҳимояси янада кучайишига ишорадир.

Вакилларимиз келгусида ҳам ўз ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда халқимиз бахт-саодати, Ватанимиз тараққиёти йўлида давр талаблари даражасида фаолият юритишларига ишончимиз комил.

БИЗ СИЗДАН МИННАТДОРМИЗ

Илҳом БОТИРОВ,
O‘zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раиси



Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 2003 йилда мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб шаклланиб келаётган тадбиркорлар ва ишбилармонлар қатлами манфаатларини ифодаловчи куч, либерал-демократик концепция, жамият ва давлат ривожи доктринасининг ташаббускори ва ифода этувчиси сифатида мамлакат сиёсий майдонида пайдо бўлган эди.

O‘zLiDeP ўз фаолиятида 5 мартадан парламент ва маҳаллий кенгашларга, Президент сайловларида муваффақиятли иштирок этгани, ғоя ва дастурларига, барча даражадаги номзодларимизга халқимизнинг ижобий муносабати яққол намоён бўлганини мамнуният билан таъкидлаш ўринли. Бу йилги сайловда ҳам партия ўз тарихида катта ютуққа эришганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Бунинг учун, албатта, асосий электоратимиз вакиллари бўлган тадбиркорлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда яна бошқа қатор соҳа ходимлари, хуллас, бизга ишонч билдириб келаётган халқимизга, ёши улуғ нуронийлар, ёшлар чин дилдан миннатдорчилик билдирсак арзийди.

Масалан, 2003 йилда партия вилоят кенгаши тизимидаги БПТ сони 175 та ҳамда аъзолар сони эса 2 061 ни ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг ҳозирги даврига келиб қуйи бўғинлар 1 450 тага етди, аъзолар эса 155 мингдан ошди.

Бу ўз навбатида фуқароларимизнинг сиёсий дунёқараши ва юртимизда кечаётган ислоҳотларга ижобий қараши ортиб бораётганлигини яна бир бор исботлайди. Халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қилишдан толмаймиз.

O‘zLiDeP 21 ЙИЛ

ТАДБИРКОРЛАРГА ТАЯНАМИЗ



Солижон МЎМИНОВ,
O‘zLiDeP Наманган вилояти кенгаши раиси

Бугун O‘zLiDeP сиёсий саҳнада энг кўп сонли аъзолар ва тарафдорларига эга бўлган, фаровон ҳаётни таъминлашда етакчи рол ўйнайдиган йирик партияга айлана олди.

Келгуси 5 йилда иқтисодиётда нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш бўйича барча зарурий чораларни кўриш, давлат улуши мавжуд корхоналар сонини 6 баробарга камайтириш, шунингдек, давлат харидларида шаффофликни ошириш ва унда кичик бизнес иштирокини янада кенгайтириш мақсадида “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунни изчил такомиллаштириш бўйича ўз ташаббус ва таклифларини бермоқда. Бу ташаббусларнинг татбиқ этилиши миллий иқтисодиётда давлатнинг таъсирини камайтириб, бозор муносабатларига асосланган соф рақобат муҳитини яратишга имконият беради.

Шу каби эзгу мақсадлар йўлида O‘zLiDeP халқимиз билан бирга “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва сайловолди дастурини амалга ошириш, юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт, инсон қадри эъзозланадиган янги давлат, янги жамият барпо этишга қаратилган хайрли ишларни қатъий давом эттиради.

Партиямиз келгуси беш йилликда халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиши, юртдошларимизнинг янада бахтли яшаши учун белгиланган аниқ вазифалар рўёби учун курашади. Биз учун энг муҳими: ваъда эмас – натижа, эртага эмас – бугун!

Гарчи тадбиркорларнинг ҳуқуқий муҳофазаси тобора кучаяётган бўлса-да, амалиётда мансабдор шахсларнинг бизнес фаолиятига аралашуви, ишбилармонларни турли харажатлар қилишга мажбур қилиш, тадбиркор моддий-техник ресурсларидан шахсий ёки давлат манфаати учун фойдаланиш ҳолатлари учраб турибди. Шуни ҳисобга олиб, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун амалдорларнинг жиноий жавобгарлигини кучайтириш устувор мақсадларимиздан бўлиб қолаверади.

ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ МАЁҚ



Ислом ФАЙЗУЛЛАЕВ,
O‘zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари-аппарат раҳбари

21 йил! Оз муддат эмас, албатта. Бу нафақат партия, балки мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳам катта аҳамиятга эга рақам. Чунки партиямиз юртимизда етакчи мақомга эга бўлиб, вилоятимизнинг 132 мингдан ортиқ фаол вакилларини сиёсий куч сифатида бирлаштирган ҳолда халқ орасига чуқур кириб бориб, аҳоли муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилмоқда.

O‘zLiDePнинг ўз олдига қўйган мақсадлари жамиятда етук сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркор ва ишбилармонларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар очиш, уларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишдан иборат. Кейинги йилларда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш дастурлари асосида инвестицияларни кенг жалб қилиш орқали янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу эса аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Эътиборли томони, мулкка муносабат сезиларли даражада ўзгарди. Хусусий мулк дахлсизлиги таъминланмоқда. “Тадбиркорга барча мададкор” тамойили асосида ишбилармонлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу борадаги барча бюрократик тўсиқлар олиб ташланиб, соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Айниқса, ёшларнинг ижтимоий муаммоларини бартараф этиш, уларнинг дарду ташвишларига ечим топиш, уларнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириш, китоб ўқишга бўлган қизиқишларини кучайтириш, касб-ҳунарга ўргатиш ва бу орқали уларнинг бандлигини таъминлаш масалалари ҳам партиянинг асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Бу каби ҳаётий мисолларни санаётганим бежизмас. Чунки бу ҳаракатларнинг барчаси партиямиз ташкил этилган кунданоқ ўз олдига қўйган асосий вазифаларидан бўлиб, уларнинг босқичма-босқич амалга ошаётгани халқимиз юрагига чуқур кириб бораётганимиз, билдирилган ишончни қозонаётганимизнинг амалий ифодасидир. Бу истак бундан кейин ҳам бизни ҳаракатлантирувчи маёқ бўлиб қолаверади.

O‘zLiDeP ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛДА

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ” — КАТТА СИНОВ ВА МАТОНАТ МАЙДОНИГА АЙЛАНМОҚДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг ҳудудий республика босқичи ўтказилди. Унда 20 га яқин тадбиркор, фермер ва ҳунарманд хотин-қизлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, танлов “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган 100 та муҳим мақсад ҳамда O‘zLiDeP сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиёти, кичик бизнес ва хусусий сектор ривожида фаол иштирок этаётган шижоатли, изланувчан, ташаббускор тадбиркор ва фермер хотин-қизларни аниқлаб, қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокчиларнинг фаолияти билан яқиндан танишиб, уларнинг шу вақтга қадар эришган ютуқлари, имкониятлари ва келгуси режалари билан ўртоқлашишди.

– Фаолиятимизда асосан асаларичилик, кўчат етиштириш, биогумус, Миср давлати пиёзини етиштириш билан шуғулланамиз, – дейди “Гулбағ-лалазар” фермер хўжалиги иш юритувчиси Мулдир Ўтебаева. – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича 3,5 млрд сўмлик тўққиз номдаги техника грантини ютиб олдик. Бундан ташқари, боғ яратиш мақсадида 280 млн сўмлик грант учун 2 гектар ерга 1 минг 100 туп эртапишар ўрик ва нок навлари ҳам ҳосилга тайёрланмоқда. Келгуси режаларимиз бисёр. Фаолиятимизни янада кенгайтириб аҳоли бандлигини таъминламоқчимиз. Бу каби танловлар ўзаро тажриба алмашиб, янада кўпроқ изланишларимизга куч-қувват беради.

Танлов якунида ҳайъат хулосасига биноан, 3-ўринга Элликқалъа туманидан “Гулдурсин-нафосат” хусусий корхонаси раҳбари Манзура Жуматова, 2-ўринга Хўжайли туманидан “Qaraqalpaq textile” МЧЖ раҳбари Наргул Худайбергенова муносиб деб топилган бўлса, 1-ўрин “Гулбағ лалазар” фермер хўжалиги раҳбари Жузимгул Жугинисовага насиб этди.







Бундан ташқари, “Замонавий ташаббускор аёл”, “Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли”, “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор”, “Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл” ҳамда “Энг шижоатли аёл” каби номинациялари ҳам ўз эгаларига топширилди. Ғолибларга партиянинг ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

18 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ



Қадим-қадимдан юртимиз давлатчилигида байроқ аждодларимиз учун озодлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли бўлган. Туғ – байроқни асрашга миллат, халқ, давлатнинг ор-номусини асраш деб қаралган. Уни ҳимоя қилиш учун аждодларимиз ҳатто ўз жонидан кечганини исботловчи мисоллар кўп. Худди шундай, туғини жонидан ортиқ асраган Темур Малик, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби ўнлаб саркардалар ҳаёти ҳам биз учун ибрат.

Мард ва жасур ҳарбийларимиз, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигига масъул ички ишлар органлари ходимлари Ватанимиз байроғи пойида тиз суртиб, тўтиё қилиш – ватанпарварликнинг энг юксак намунаси. Зотан, Ватанни севмоқ унинг муқаддас давлат рамзлари, хусусан, байроғини эъзозлашдан бошланади.

Бугун байроғимиз нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда, Ўзбекистон аъзо бўлган БМТ, халқаро ташкилотлар, элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз пештоқида ҳилпираб турибди. Халқаро миқёсдаги нуфузли анжуманларда, спорт мусобақаларида баланд кўтарилиб, чўкиб, она юрт тупроғини матонат ва садоқат билан ҳимоя этмоққа қасамёд қиладилар. Бу бежиз эмас. Аслида, юрт байроғи олдида тиз чўкиш, уни кўзга бизга фахр-ифтихор ҳиссини бағишлаяпти. Шунингдек, юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлида бирлаштириб, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асрашга, зўр ишонч ва қатъият билан келажакка қадам ташлашга даъват этаётир.

Мусажон КАРИМОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази бош мутахассиси

ХУШХАБАР



ДЕПУТАТНИ КОСМОНАВТ ТАБРИКЛАДИ

O‘zLiDePдан номзоди кўрсатилган Абдуҳаким Маманазаров Миробод туман халқ депутатлари кенгаши депутатлигига учинчи бор сайланди.

Шу муносабат билан Абдуҳаким Маманазаровни машҳур космонавт, Россия Федерацияси Қаҳрамони ва Қирғизистон Республикаси Қаҳрамони Солижон Шарипов самимий қутлаб, дил сўзлари битилган дастхатини туҳфа этди.

Абдуҳаким Маманазаров – иқтисодиёт фанлари номзоди, педагогика фанлари доктори. Айни пайтда М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент шаҳридаги филиали раҳбари ўринбосари лавозимида хизмат қилмоқда. У нафақат илм ва таълим жабҳасида, балки O‘zLiDeP фаоли сифатида жамоатчилик ишларида ҳам эл-юрт эътиборини қозониб келмоқда.

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК ВА ШАФФОФЛИК АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЗАРУР

Маълумки, “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун, Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Эътиборли жиҳати, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори ҳам қабул қилинган эди.

Мазкур қарор билан:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари томонидан уларга доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш “Yerxususiylashtirish” ААТ орқали амалга оширилиши;

б) Давактивагентлиги “Yerxususiylashtirish” ААТнинг техник қўллаб-қувватлаш бўйича оператори ҳисобланиши;

в) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун мулк ёки ижара ҳуқуқлари асосида, якка тартибда уй-жой қуриш учун мулк ҳуқуқи асосида реализация қилиш “e-auksion” электрон савдо платформаси орқали амалга оширилиши белгиланди.

Шунингдек, мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларига доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ва мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишга доир маъмурий регламент тасдиқланди. Унга мувофиқ ер участкаларини хусусийлаштириш учун ариза берувчилар ер участкаси жойлашган тегишли ҳудуддаги Давлат хизматлари марказларига ўзлари келиб мурожаат қилади ёки давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП)да рўйхатдан ўтади. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилганда Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилганда эса ариза берувчининг ўзи мустақил равишда ариза тўлдиради.

Агар хусусийлаштириладиган ер участкаси улушли ёки биргаликдаги эгалик қилиш (фойдаланиш)да бўлса, ариза барча эга (фойдаланувчи)ларнинг фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган келишувига биноан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса суд томонидан белгиланган тартибда ушбу регламент талаблари асосида берилади.

Ер участкасини хусусийлаштириш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатларнинг сканер қилинган нусхаси илова қилиниши керак:

• белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома (ариза берувчининг вакили мурожаат қилган ҳолларда);

• юридик шахснинг тегишли бошқарув органининг ер участкасини хусусийлаштириш тўғрисидаги қарори (ариза берувчи – юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ зарур бўлса).

Фуқаро ўзи келиб мурожаат этганда, Давлат хизматлари марказлари ариза тўлдирилган вақтдан бошлаб реал вақт режимида уни “Yerxususiylashtirish” ААТ орқали туман (шаҳар) қурилиш бўлими ҳамда Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси туман (шаҳар) филиалига, шунингдек, кичик саноат зонаси ва ёшлар саноат ҳамда тадбиркорлик зоналари ҳудудидаги ер участкалари бўлган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Кичик ва ёшлар саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекциясига келишиш учун юборади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, ариза автоматик равишда “Yerxususiylashtirish” ААТ орқали туман (шаҳар) қурилиш бўлими ва Давлат кадастрлари палатаси туман (шаҳар) филиалига, шунингдек, Кичик саноат зонаси ва Ёшлар саноат зоналари ҳудудидаги ер участкалари бўлган тақдирда, дирекцияга келишиш учун юборилади. “Yerxususiylashtirish” ААТ аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ариза келишилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олган хабарномани шакллантиради ва уни ЯИДХП ёки Давлат хизматлари маркази орқали ариза берувчига юборади. Ариза келишилган тақдирда, Ягона биллинг тизими “Yerxususiylashtirish” ААТ маълумотлари асосида хусусийлаштирилаётган ер участкасини сотиб олиш учун ҳисобварақни шакллантиради ва хабарномага илова қилади ҳамда тўланган маблағлар ҳисобини юритади.

Ариза берувчи тўлов юзасидан хабарномани олган кундан бошлаб ўн иш куни ичида ер участкасини хусусийлаштириш учун тўловни амалга ошириши зарур. Ариза берувчи хусусийлаштирилаётган ер участкасининг сотиб олиш қиймати тўловини тўлиқ амалга оширганидан сўнг “Yerxususiylashtirish” ААТ автоматик равишда тегишли шаклга мувофиқ жисмоний шахс бўйича – фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт рақами, ЖШШИР, юридик шахс бўйича – юридик шахс номи, СТИР рақамини кўрсатган ҳолда ер участкасига мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерини белгиланган тартибда шакллантиради ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг тегишли ҳудудий бошқармаларига имзолаш учун юборади.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг тегишли ҳудудий бошқармалари “Yerxususiylashtirish” ААТ орқали олган давлат ордерига бир иш куни ичида электрон рақамли имзо қўяди ва уни Кадастр агентлигининг кадастр ҳамда рўйхатдан ўтказиш интеграциялашган ахборот тизими орқали Давлат кадастрлари палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига юборади.

Ушбу бошқармалар давлат ордери тақдим этилгандан сўнг, икки иш куни ичида давлат ордерига асосан ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказади ва Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирмани давлат ордери билан бирга “Yerxususiylashtirish” ААТ орқали ЯИДХП орқали ариза берувчига ёки Давлат хизматлари марказига юборади.

Давлат хизматлари маркази давлат ордери ва Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма олганидан сўнг реал вақт режимида уларни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва бу ҳақда ахборот-коммуникация технологиялари орқали хабардор қилади.

Булардан кўзланган асосий мақсад фуқароларимизга қулайлик яратиш ва уларнинг ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш, шунинг баробарида ерни ҳақиқий эгасига бериш қолаверса, унумли фойдаланишига шароит яратишдир.

Диёр АБИДОВ,
Тошкент шаҳар Яккасарой тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази директори

ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАР

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бу борада Бухоро вилояти прокуратураси томонидан “Прокуратура органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш” концепцияси доирасида жорий йилнинг июнь ойида Бухоро давлат университети ёшлари билан учрашув ўтказилган эди.

Шундан сўнг, бир қатор иқтидорли талабалар прокуратура фаолияти давомида



ўтказилган уч авлод учрашувлари, ишга кирган ёш мутахассисларнинг қасамёд қабул қилиш маросимларида иштирок этиб, “Маънавият хонаси”да мавжуд адолат, бурч, шараф, ҳалоллик ҳақидаги экспонат ва маълумотлар билан танишган эди.

Ушбу давр мобайнида университет талабалари ва профессор-ўқитувчиларидан келиб тушган таклифлар асосида бевосита Бош прокурор ташаббуси билан Бош прокуратура ва мазкур университет ўртасида “Ҳамкорлик меморандуми” ишлаб чиқилиб, бу борадаги фаолиятнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Жорий йилнинг 31 октябрь куни мазкур меморандум тақдимоти доирасида университетда талаба ёшлар билан, прокуратура ходимлари ва фахрийлар иштирокида учрашув ташкил этилди.

Тадбирда республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари О.Султонов, Бухоро вилоят прокурори Улуғбек Ҳамдамов, Бухоро давлат университети ректори Обиджон Ҳамидов меморандум доирасида ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида тўхталди. Хусусан, “Бўлажак прокурорлар клуби” фаолияти йўлга қўйилиб, талабалар учун семинар, конференция, давра суҳбатлари, турли хил танлов ва мусобақаларни мунтазам ўтказиб бориш, малакали юридик кадрларни тайёрлашда яқиндан кўмаклашишга келиб олинди.

Тадбир давомида “Ўзбекистон – ёшлар мамлакати” шиори остида ёшлар ҳуқуқий сайли кўргазмаси ҳамда таълимга жорий этилган “Регистратор офис” фаолияти тақдимоти бўлиб ўтди. Шунингдек, бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси, “Юрт келажаги – менинг тақдиримда” хештеги остида иқтидорли талаба-ёшлар томонидан ижодий ишлар намойиши ҳам ташкил этилди.

Сайлга келганлар нафақат маданий ҳордиқ, балки ўзларининг турли ҳуқуқий мавзудаги саволларига ҳам жавоб олди. Ёшларни қизиқтирган мавзуларда ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Шу билан бирга иштирокчилар фуқароларнинг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминловчи ускуналар, ҳарбий транспорт воситалари ҳамда фавқулодда вазиятлар юзага келганда ишлатиладиган воситалар билан танишиш имкониятига эга бўлди.

Бундан ташқари, “Ёшлар ҳуқуқий сайли”да Бухоро давлат университети ҳуқуқшунослик факультети ҳамда Бухоро вилояти юридик техникумида таҳсил олаётган талабалар ўртасида “Ҳуқуқий заковат” интеллектуал ўйини ҳам ўтказилди. Билимлар беллашувида талаба-ёшларнинг билим ва кўникмалари имтиҳон қилинди.

Шунингдек, университет талаба-ёшларидан шакллантирилган жамоалар ўртасида спортнинг шахмат тури бўйича мусобақа ташкил этилди. Олий ўқув юрти ҳузуридаги “Қатағон қурбонлари” музейига бўлган саёҳат иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Учрашув якунида ҳамкорликка муносиб ҳисса қўшиб келаётган мураббийлар, фанларни аъло баҳоларда ўзлаштириб, маънавий ва ақлий баркамоллик ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини оширишда тенгдошларига ўрнак бўлаётган талабаларга прокуратура органларининг ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилаётган бу каби тадбирлар ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятни янада ошириш, юртимиздаги конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш орқали уларни амалдаги қонунларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, келгусида юксак интеллектуал салоҳиятга эга кадрлар бўлиб етишишда муҳим аҳамият касб этади.

А.БОЗОРОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

БУГУННИНГ ҚАҲРАМОНИ

95 ЁШЛИ ХОРАЗМЛИК ТЕМИРЧИ

САЛКАМ САКСОН ЙИЛДАН БУЁН ЭЛ ХИЗМАТИДА

ТЕМИРЧИЛИК КАСБИ ОДАМ АТО ЗАМОНЛАРИДАН БУЁН ЭЪЗОЗДА. ҚАДИМ ТУРКИЙ БОБОЛАРИМИЗ ИНСОНИЯТ ТАМАДДУНИДА ИЛК БОРА ТОҒ УНСУРЛАРИДАН ТЕМИР МОДДАСИНИ АЖРАТИБ ОЛИШ, ЭРИТИШ ВА УНДАН ТУРЛИ БУЮМЛАР ЯСАШНИ БОШЛАБ БЕРИШГАНИ ТАРИХДА ҚАЙД ҚИЛИНГАН.

ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЕҚИЁС ДАРАЖАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН, ИНСОН ОЁҒИ ОЙГАЧА ЕТГАН, УЗОҚ САЙЁРАЛАРГА КОИНОТ КЕМАЛАРИ ПАРВОЗЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН БИР ПАЙТДА ҚАЙСИДИР ҚИШЛОҚ ГУЗАРИДА ТЕМИРЧИЛИК УСТАХОНАСИДА ЭЛ ҚОРИГА ЯРАЙДИГАН БУЮМЛАРНИ МАШАҚҚАТ ВА МАҲОРАТ БИЛАН ЯСАЁТГАН ТЕМИРЧИНИ ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ СИФАТИДА ИБРАТ ҚИЛИБ КЎРСАТИШ АЙРИМЛАРГА ЭРИШ ТУЮЛАР. АСЛИДА ЭСА...

“Минг қўйли бойнинг иши бир қўйлига тушибди”, деган отасўзимиз бор-а? Бугун қишлоқ хўжалигида энг ақлли ва унумли техникаю ускуналар деҳқон меҳнатини осонлаштирмоқда. Аммо ўша ақлли техника ва ускуналар эгаларининг иши барибир эски ҳунарманд – темирчига тушаётгани бор гап-да!”

Бу сўзларни Давлатназар бува қўли ишда, нигоҳлари оловда қип-қизил бўлиб эриган темир парчасини чаққонлик билан тутқичда сандонга қўйиб, оғир болға билан унга ишлов бериш жараёнида айтди.

Отанинг шинамгина устахонасида эрта тонгдан қора хуфтонгача иш тўхтамайди – чўкичу болғанинг тарақ-туруғи тинмайди. Боягина оловда парча қип-қизил гўшт каби ётган темир бўлаги бир чой қайнар вақтда чиройли белкуракка айланади. Отахон пешонасидан терини артаётиб, белкурак тиғига қайта ишлов беради:

“Пўлат оловда тобланади. Аммо темиру пўлат оловда қанчалик тобланмасин, болғаю чўкичнинг кучли зарбаларидан етарлича “емаса”, умри қисқа бўлади. Тобланаётган темир ёки пўлатни сувда обдон совитиш, буни биз “суғориш” деймиз, унга қўшимча “умр” бағишлайди. Темирчининг билаги кучли, нигоҳи ўткир бўлиши керак. Қанча зарба беришни аниқ билиши шарт!”.



Хоразм вилояти Янгиариқ тумани Таган қишлоғидаги Гулшанда маҳалласи аҳлига салкам саксон йилдан буён хизмат қилаётган Давлатназар бува Бойжонов қарийб бир асрни қоралаб қолди. Хатти-ҳаракати, болғани зарб билан уришига қарасангиз, гўё қирқ яшар қирчиллама йигит дейсиз.

“Иккинчи жаҳон уруши бошланганида бир мучалдан ошган бола эдим. Каттлар урушга олиб кетилгани учун колхознинг барча оғир юмушлари хотин-халаж, кексалару болаларга қолган эди. Оғир меҳнат бизнинг авлодни тарбиялади, тоблади”, дея ҳув узоқларда қолган болалик даврини хотирлайди бува.

Айнан уруш даврида ўсмир йигитча колхозда темирчилик қилаётган уста Собирга шогирдликка тушади ва уч йил бу қадим ҳунарнинг барча сир-асрорини ўрганади.

Давлатназар бува ўша пайтдаги қийинчиликлар, яъни қорни нонга, усти кийимга ёлчимаган замонани афсус билан эмас, шукроналик билан эслайди: *“Колхоз томонидан ўша вақтда аъзоларга ҳар кунига бир килограммдан буғдой берилар эди. Уста Собир ҳам эртаю кеч ишлаб, шунча ҳақ оларди. Мен каби шогирдлар қорнимиз учун ишлаганмиз. Сабрли бўлганмиз. Ҳунар ўрганишга иштиёқимиз баланд эди. Худога шукр, бу ҳунарни ўрганиб кам бўлмадим, катта рўзғоримни шунинг орқасидан боқиб келяпман”.*

Давлатназар бува уруш тугагач, 1946 йилда устозидан оқ фотиҳа олиб, ўзи ҳам мустақил темирчилик қила бошлаган. Бу орада ҳарбий хизматга чақирилиб, тўрт йил елкасида либоси, қўлида болғаси билан ҳарбий қисм устахонасида темирчилик қилган. Ўтган йилларда тўрт марта устахонани ўзгартирган, янгисини тиклаган. Устахоналарни вақт қаритган, устани эса яшартирган... Бу орада фарзандлари бўй етиб, ота касбини тутишади. Кейинчалик улар қаторига неваралар ҳам қўшилди.

Бувaнинг катта ўғли Қуронбой ака етмиш ёшда. Ўртанча ўғиллари Юсуфбой ака 63 ёшга етди. Кенжаси Қадамбой беш кун олдин олтмишни қаршилади. Уч ўғил – уч темирчи бугун оталарига кўмакдош, суянчиқ. Бу ёқда неварали Дониёр, Ғиёс ва Улуғбек ҳам бобо касбининг сир-асрорларини ўрганиб, темирчи уста бўлиб етишди. Яна бир шогирди алоҳида устахона очиб, элга хизмат кўрсатаётир.

...Саксон етти ёшга кирган амаким бирда гурунг бериб эди: *“Кўз ўнгимизда замон тезлашиб-ўзгариб кетди. Олдин томорқамизни бел ва кетмон ёрдамида ағдариб экардик, бугун ер ҳайдайдиган кичик ускуналар пайдо бўлиб, қўлимиздан бел, кетмонни олди. Томорқадаги чорва озуқасини ўроқ билан ўрган бўлсак, бугун ихчам ўроқ ускуналари ҳаётимизга кириб келди. Бу боришда темирчиларга иш қолмас-ов?”.*

Амакимнинг тахминларини Давлатназар бува йўққа чиқаради: *“Қишлоқ аҳли ўроқ, бел, кетмонсиз яшай олмайди. Фермерлар ҳам. Экинларни фақат қўлда ўроқ билан сифатли ўтоқ қилиш мумкин. Отизларга чел кўтариш, суғоришда бел ва кетмон ўрнини босадиган ускуна ўйлаб топилганича йўқ. Ҳозир фермерлар ихтиёрида энг замонавий техника ва ускуналар бор. Ана шу замонавий деганимиз техниканинг темирчисиз умри қисқа бўлади. Техникаси ёки бирор ускунаси ишдан чиққанида уни созлаш, бутлаш учун фермерлар устахонамга келишади. Бундан ташқари, пайвандлаш ишларини ҳам бажараман”.*

Янгиариқ қадимдан ҳунармандлар эли. Тўрт йил муқаддам давлатимиз раҳбарининг Хоразмга ташрифи маҳалида яккабоғлик кулоллар ўзларини қийнаётган муаммо бўйича мурожаат қилишган эди. Президентимиз топшириқлари бўйича Яккабоғ қишлоғи кулоллари учун алоҳида кулоллар маҳалласи ташкил қилинди, уларнинг устахоналарига табиий газ тармоғи тортилди. Бугун бу қишлоқ кулоллари ясаган буюмларни хорижлик сайёҳлар ҳам маъқул кўриб, харид қилишяпти.

Янгиариқнинг Таган қишлоғи аҳли ҳам қадимдан ҳунармандчиликни эъзозлаб келади. Уларнинг кўпгина муаммолари истиқлол замонида ечим топди – орзулари амалга ошди. Қишлоқдаги Гулшанда маҳалласида икки минг икки юз нафарга яқин фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг 452 нафари ҳунарманд. Агарда бир оилада ўртача беш киши истиқомат қилади, десак маҳалладаги барча хонадон эгалари ҳунармандчиликнинг қай бир тури биландир машғуллиги аён бўлади. Улар орасида энг кўпи темирчи усталар.

Элдошлари иззат-ҳурмат билан Темирчи бува деб эъзозлайдиган тўқсон беш яшар Давлатназар ота ҳали ҳамон сандон қошида экан, бунга ажабланмасак ҳам бўлади.

– Кунига 15 тача ўроқ ясайман, – дейди кекса уста гап орасида. – Шунингдек, мен ясаган бел, кетмон, капча, тақанинг ҳам харидори жуда кўп.

Экинларни ўришда воҳада энг кўп ишлатиладиган меҳнат қуролини онгол дейишади. Чалғидан кичикроқ бу иш қуроли жуда ўткир бўлади. Шунданми, унинг номи онгол, яъни онгини ол деган маънони ташийди, дейишлари бежиз эмас. Бозорда бир дона яхши онголнинг баҳоси 200 минг сўм атрофида. Негаки,



сифатли ясалган асбоб эгасига камида ўн йил беминнат хизмат қилади.

Уста ҳақ гапни айтяпти: эҳтиёж ва талаб борки, темирчиларнинг қўли қўлига тегмаяпти. Бу яна тадбиркор темирчига яхшигина даромад ҳам. Бозорда сифатли, ўткир тишли ўроқларнинг нархи 70-80 минг сўм атрофида. Демак, кекса уста бир кунда бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Ўроқ учун кетган темир нархини чегириб ташлаганимизда ҳам устанинг кунлик топадиган пули ярим миллион сўмдан кам эмас. Ёки баҳор ва ёз фаслида воҳада иморат қуриш авжига чиққан вақтида уста бобо кунига 15 тача лой отадиган капча ясаб сотади. Бир капчанинг нархи 120-130 минг сўм.

Давлатназар буванинг умр йўлдоши Ҳавожон момо 76 ёшида дунёдан ўтган эди. Момомиз эрининг темирчилик ҳунаридан топган даромадига қаноат қилди, элдан кам бўлмади. Ўғилларини уйлантириб, уйли-жойли қилган ҳам шу сандону босқон, чўкичу болға. Бир сўз билан айтганда, ҳалол меҳнатдан топилган даромад баракали келади.

Отахондан шу ёшда темирчилик касби қийнамайдими, деб сўрашга журъат қиламиз. Кулади: ***“Опам (бизда онани “опа” деймиз) Бибижон момо 106 йил яшади. Мен саксонимдан ошган вақтимда эрталаб устахонага шошиб турганимни кўриб, “Болам, энди қийналарсан, ўғилларинг ишлаяпти. Бошқаларга ўхшаб сен ҳам дамингни ол!” дегувчи эди. Мен эса “Ишламасам, қариб қоламан-ку”, деб ҳазиллашардим. Нима қилай, темирчилик умрим мазмуни. Бир кун устахонага бормасам, ниманидир йўқотгандай бўламан, касалланиб қоламан...”.***

...Салкам ўн уч минг киши истиқомат қиладиган қишлоғимизда бугун бор-йўғи битта темирчи устахонаси ишлаяпти. Етмишга яқинлашиб қолган уста Жумабойнинг эртаю кеч қўли қўлига тегмайди. Яна соғлом. Ўтган йили шу ҳунари ортидан енгил машина олди.

Амакимизнинг ёлғиз ўғли яхши темирчи эди, отаси устахона қуриб берган эди. Қаноатсизлик қилдими, тенгқурлари чорлови билан хорижга ишга кетди ва ярим йил ўтмай, бахтсиз ҳодиса туфайли ёт элда омонатини топширди...

Ҳозир айрим ёшлар бир рўзғорни гуллатиб-яшнатадиган қадим ҳунармандчилик касби этагини тутишни ор деб билишади, қўлидаги гулдек ҳунарини ташлаб, бошқа соҳаларга ўзларини уришади.

Халқимиздаги “Ҳунар – ҳунардан унар” матали беҳудага тўқилмаган. Ҳунарнинг қадри ва эъзозини биладиган уста Давлатназар бува шу маънода ҳозирги ёшларга ибрат, замонамиз қаҳрамони, деб ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкин бўлган табаррук инсон.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шарифбой Ҳусаиновга “Маҳалланинг “Темир дафтар”ида қанча хонадон рўйхатда туради?” деган саволни берганимизда раис бир панжасидаги бармоқларини кўрсатди. Демак, бор-йўғи беш оила кам таъминланганлик тоифасига киради. Бу бошқа маҳаллалар билан солиштирганда жуда ижобий ҳолат!

Бунга қандай эришилган, деган саволни беришдан тийилдик. Ахир, 95 яшар кекса темирчи эрта тонгдан қора хуфтонгача устахонасида ишлаётган маҳаллага камбағалчилик ярашмайди-да! Нима дединг?!

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA XXI asr

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Дилшод ШОУМАРОВ, Сирожиддин САЙИИД, Акшагул ТУЛЕГЕНОВА, Нодир ЖУМАЕВ, Шуҳрат АСЛОНОВ, Насимжон АЛИМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73^A-уй.

электрон почта: xxi_asr@umail.uz, xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).
Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 1145 **Адади: 4378** Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 19:20

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи: **Маъруфжон Раҳмонов**

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: **Абдулла ЧИМИРЗАЕВ**